



# MILLIY TIKLANISH

7 (379) 2016 йил 17 февраль, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Партия гуруҳи йиғилишида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясига олиб чиқиладиган масалалар муҳокама қилинди

Янги таҳрирдаги Божхона кодекси мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини самарали таъминлашга кўмаклашади

Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари ёш авлод вакиллари ватанпарварлик ва комилликка ундайди

**Муносабат**

## Болалар спорти ривожини

эришилаётган натижаларда яққол намоён бўлмоқда

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларнинг юксак маънавиятли, билимли ва зукко, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод этиб тарбиялаш мақсадида барча шарт-шароит яратилаётган. Таъкидлаш жоиз, фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий камолотида спортнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Бу уларнинг соғлом улғайишига, иродаси мустаҳкам бўлишига ёрдам беради, ўз олдига катта мақсадлар қўйишига ва эришишига ундайди.

Соҳада амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар 11 февраль куни Президентимиз раислигида ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида аниқ рақам ва мисоллар воситасида теран таҳлил этилди.

Бундан 14 йил олдин Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур жамғарма ёш авлодни болалигидан спортга ошно этиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, бу йўлда барча зарур шароит ва имкониятларни барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган давр ичида жамғарма ҳисобидан 1,7 мингдан зиёд спорт объекти барпо этилди. Натижада 2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар деярли икки баробарга ортди. Шунинг ўзидек мамлакатимизда бу борада катта ўсиш ва ўзгаришга эришилаётганини кўрсатади.

> 2-бет.

**Фракция ҳаёти**



Сардор Муллажонов суратлари.

## Инсон ҳуқуқлари ҳимояси — долзарб ва устувор вазифа

ЎзМТДП фракцияси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маъқуллади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси йиғилишида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи кўриб чиқилди. Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари энг олий қадрли сифатида эъзозланиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-

ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, мамлакатимиз парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш, муҳофазат қилиш борасида етарли ҳуқуқий асос, катта амалий тажриба, салоҳият ва имкониятга эга бўлди. Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири — фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларига доир шикоят ва muroжаатларни кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Омбудсманнинг бу борадаги фаолияти янада такомиллашиб, фуқаролар muroжаатларини ижобий ҳал қилишдаги иштироки кенгайиб бораётгани эътиборга молик.

> 2-бет.

**Ушбу сонда:**

**Фарзандингиз виртуал оламда адашмасин**



> 5-бет.

**Шаҳар рамзига айланган кўприк**

У Лондон шаҳрининг марказида — Темза дарёси устида қурилган



> 7-бет.

**Миллий гуруҳ**

**“Эътибор ва рағбат орзуларимизга қанот бағишлайди”**



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланми ислохотлар жараёнида истеъдодли, юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш, уларнинг илмий-ижодий излашилари кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Андижонлик ёш иxtирочи, “SHaxrizod best invest” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шахризод Мусабоев Балиқчи индустриал педагогика касб-хунар коллежининг битирувчиси.

— Болалигимдан турли кемалар ясаб, уларни ариқда оқизиб ўйнардим, — дейди Шахризод. — Кейинчалик бу қизиқишларим янада кучайиб, илк бор телефон учун ёруғлик нурларидан қувват олиш имконини берувчи қурилма яратдим. Бу борада физика фани ўқитувчиси Исоқжон Саматов яқиндан ёрдам берди.

> 6-бет.

**Сана**

Президентимиз раҳнамолигида миллий меросимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг инсонпарварлик гоялари билан йўғрилган асарлари мазмун-моҳиятини кенг ёйиш, ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

## Буюк давлат арбоби ва мумтоз шоир

Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш навқирон авлодни маънавий етукликка, ватанпарварлик ва эзгуликка ундайди

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётини кўплаб бетакрор асарлар билан бойитган. Унинг латиф шеърлари, шарқ халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, табиати ва қадриятлари ҳақида муфассал маълумот берувчи, инсонни комилликка ундовчи асарлари ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда ЎзФА Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида мумтоз шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига бағишлаб “Заҳириддин Муҳаммад Бобур — буюк давлат арбоби ва шоир” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, Темурийлар тарихи давлат музейи ходимлари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос ва бобуршунос олимлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

> 2-бет.

**Доимий комиссияларда**

## Малакали кадрлар — давр талаби

мазкур масала ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши доимий комиссиясида кўриб чиқилди

Маҳаллий Кенгашларнинг бугунги кундаги фаолияти таҳлил қилинганда, депутатлар электорат, партия ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда доимий комиссиялар ваколатидан унумли фойдаланаётгани маълум бўлади. Бу депутатлар орасидаги соғлом рақобат, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаб, жойлардаги ҳокимият вакиллик органларининг узлуксиз ва самарали фаолият юритишига ёрдам беради.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ташаббускорлигида муҳокама этилган қишлоқ хўжалиги тармоғи учун ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга кадрлар тайёрлаш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалани ҳам ана шундай амалий ҳаракатлар сирасига киритиш мумкин.

> 4-бет.

**“Нуржаҳон”нинг сехрли наволари**

Нурота қадриятлари ва урф-одатларини тарғиб қилмоқда



> 8-бет.

**“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи — 158

Milliy Tiklanish газетасининг www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!













